



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ЭТИЛГАН ШАХСЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Эгамбердиев Воҳиджон Отабекович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Мақолада жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш шунингдек дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакетини бериш тартиби масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахс, ижтимоий мослаштириш, дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган тараққиётимиз янги босқичининг дастлабки самаралари жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш борасида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Мамлакатдаги ҳар бир одамнинг эмин-эркин, хавфсиз, тинч ва осойишта яшаши учун зарур шароитлар, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа кафолатлар яратилди. Бу борада суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мисли кўрилмаган имкониятлар тақдим этилди. Мазкур идоралар фаолиятига ҳар қандай аралашувга барҳам берилди. Зотан, тинчлик ва хавфсизлик ҳукмрон бўлган юртдагина тараққиёт бўлади, бундай мамлакатнинг жаҳон аҳли кўз олдидаги жозибдорлиги ортади, сармоядорлар ва бошқа эзгу ниятли одамларнинг мазкур ўлкага, у ердаги давлат сиёсатига ишончи мустаҳкам бўлади. Шундай экан, бугун ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш шарафли бурчимиз ва айни пайтда масъулиятли вазифамиздир.

Дарҳақиқат, ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин. Бунинг олдини олишда албатта ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида чора-тадбирларни аниқ манзилга йўналтириш, ишсиз ҳамда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида тизимли ишларни ташкил этиш муҳим рол ўйнайди.

Такидлаш жоизки, жойлардаги профилактика инспекторлари томонидан ҳозирги кунда жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни тарбиялаш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқишга ва ишга жойлаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишга эътибор қаратмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июль кунндаги “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 543-сон қарори бунга бир мисолдир.

Қарорга кўра, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришга масъул тузилмалар фаолиятининг тармоқлар ичида ва ташкилий, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифа, функция ва ваколатларини аниқ чегаралаш;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш, шу жумладан, улар ҳаётининг сифати ва даражасини ошириш;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик ва ижтимоий мослашуви мониторинги тизимини шакллантириш;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш соҳасидаги ишларни амалга ошириш доирасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш жараёнига хусусий сектор вакилларини кенг жалб этиш орқали уларга тегишли имтиёзлар беришни назарда тутувчи давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат-хусусий шерикчилик тизимини ривожлантириш;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик, ижтимоий-маиший таъминот ва иш билан таъминлаш фаолиятини тайёрлаш, прогнозлаш ва режалаштириш;

- рецидив ва такрорий жиноятлар сонини камайтиришга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини кучайтириш.

Ушбу қарор асосида озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ва махсус коммендатура ҳисобидан чиққан шахсларни ижтимоий мослаштириш марказлари негизида озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари ташкил этилди ва уларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкил этиш ва таъминлаш, тегишли тартибда



кийим-кечак, озиқ-овқат ва турар жой учун бир марталик тўланадиган нафақа пули бериш орқали уларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш;

- мақбул ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, соҳа мутахассислари (психолог, тиббиёт ходими, ҳуқуқшунос ва бошқалар)дан ёрдам олиш, зарур ҳолатларда даволанишга, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар уйларига йўлланмалар бериш;

- реабилитация қилишда, уй-жой ва маиший ҳамда бошқа ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилишда, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар олишда ёрдам кўрсатиш.

Шунингдек, Марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший соҳада ва иш билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш махсус комиссиялари, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, ҳар ойда суд қарори бўйича ушбу тоифадаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш индивидуал дастурларининг жойларда ижро этилишини ўрганади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 29 июндаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони билан жорий этилган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан 30.03.2023 йилда қабул қилинган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби бўйича” Йўриқноманинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” деган улуғвор ғояни амалга оширишга хизмат қилди. Ушбу ғоя замирида давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб озодликка чиққан фуқароларга нисбатан ҳам давлат томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш орқали, жамиятда ўз ўрнини қайта топишга, амалий хизмат қилмоқда.



Шуни алоҳида айтиш жоизки, мазкур қарор озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлиб жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ижтимоий фойдали жалб этиб, ижтимоий мослашувига, келгусида жамиятда ўз ўрнини топишга ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этишларини олдини олишда амалий кўмаклашиш механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарори, билан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети ”ни бериш масаласини кўриб чиқувчи идоралараро доимий комиссия”ларнинг намунавий таркиби тасдиқланиб, низомда юқорида қайд этилган вазифалар амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб берилган. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларни ижтимоий мослаштириш асосий вазифаси хисобланган

Ички ишлар органлари идоралараро комиссиясининг доимий аъзоси сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Идоралараро комиссия йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баённомасини юритади ва расмийлаштиради;

- Идоралараро комиссия аъзоларига Идоралараро комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида хабар беради;

- кўмак олувчиларнинг аризалари билан ишлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Идоралараро комиссияга тақдим этади.

- Идоралараро комиссия қарорлари унинг йиғилишида (сайёр йиғилишида) иштирок этадиган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

- Идоралараро комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарор юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли.

- Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Идоралараро комиссия раиси алоҳида масалалар юзасидан Идоралараро комиссия аъзолари ўртасида сўровнома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

- Идоралараро комиссия йиғилишларида (сайёр йиғилишида) баённома юритилади.

- Идоралараро комиссия йиғилишларида қабул қилинган қарорлар хулоса билан расмийлаштирилади ва раис томонидан тасдиқланади.



- Идоралараро комиссия томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган унинг аъзоси тегишли қарор қабул қилинган куннинг ўзида таклиф ёки фикрларини ёзма равишда ишчи органга тақдим этишга ҳақли.

- Идоралараро комиссия қарорларининг бажарилиши Идоралараро комиссия раиси томонидан назорат қилинади.

- озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети” маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан биринчи навбатда туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари ҳисобидан, етишмаган қисми бўйича эса – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдорида берилиши;

- “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартиб-таомиллари Молия вазирлигининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Хулоса ўринида, Юртимизда инсон қадри улуғланган бир даврда, Юртбошимиз томонидан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сон Қарорнинг қабул қилинишининг муҳим жиҳати шундаки, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларнинг электрон алмашинувини таъминлаш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига тегишли маълумотлар базасини интеграция қилиш ҳамда ушбу ахборот тизимида “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш бўйича техник имкониятларни назарда тутувчи алоҳида модуль яратиш белгилаб берилди. Бунинг афзаллиги шундаки, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларни аниқ рўйхатини ягона базада шакллантириб, маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир .

Шунингдек, юқоридаги Қонун, Фармон, ва Қарорлар билан жиноят содир этган жазона ижро этиш муасасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш орқали ахлоқан тарбиялаш, қайта жиноят содир этишини олдини олиш ва соғлом ҳаёт турмуш тарзига қайтариш имкониятини яратади .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
<https://lex.uz/docs/6445145>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/2387357>



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида ги ПФ-5938-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4740345>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 29 июндаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/6600549>

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июль кундаги “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 543-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5606671>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси. <https://lex.uz/docs/6396146>

8. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан 30.03.2023 йилда қабул қилинган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби бўйича” Йўриқнома.

9. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

10. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза-ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

11. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

15. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.



12. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

13. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

14. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

15. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

16. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.